

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ  
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИЯЛАР  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

**Тузувчи:**

**Тошкент – 2015**

## **МУНДАРИЖА**

<b>ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....</b>	<b>3</b>
<b>МАЪРУЗА .....</b>	<b>9</b>
<b>Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг назарий ва амалий асослари .....</b>	<b>9</b>
<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ .....</b>	<b>12</b>
<b>Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишга инновацияларни татбиқ этиш .....</b>	<b>12</b>
<b>ТЕСТ .....</b>	<b>17</b>

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ**  
**МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**  
**Тармоқ маркази директори**  
**С.С.Гулямов**  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ **2015 йил**

**МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИЯЛАР**  
**МОДУЛИНИНГ**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун

Модулнинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил 7 январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

**Тузувчилар:**

Ақромов У Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш кафедра мудири доценти  
Умидов Ш- Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш кафедраси доценти.

**Тақризчилар:**

Файзиев Ж- Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш кафедраси доценти,  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Ўқув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашида тавсия қилинган ( 2014 йил 27-ноябрдаги 7-сонли баённома **Қириш**)

## Кириш.

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Олий таълим муассасалари Мева-сабзавотчилик ва узумчилик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари Мева-сабзавотчилик ва узумчилик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги хужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

### I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялар” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялар” модулининг вазифалари:**

- Мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялардан фойдаланиш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг инновацион технологиялар билан ишлаш кўникма

ва малакаларини шакллантириш;

- фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

“Мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси соҳасидаги сўнгги ютуқларни;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.

- мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялар фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш фанларидан электрон ўқув материалларини ярата олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;

- мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялар фанлар йўналиши педагогарида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;

- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “ Мева ва сабзавотларни сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш усулларининг модернизацияси ”, “ Пахта хом ашёсини сақлаш ва дастлабки қайта ишлашда инновацион технологиялар ” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулни олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялардаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			жами	Назарий	Амалий машғулот		
1	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг назарий ва амалий асослари	4	4	4			
2	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишга инновацияларни татбиқ этиш	4	4	4			
	<b>Жами:</b>	<b>10</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг назарий ва амалий асослари (4 соат)**

**Режа:**

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг назарий асослари.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг амалий асослари.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Амалий ва назарий машғулотларни инновациялар асосида ўтказиш таъминланади.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишга инновацияларни татбиқ этиш (4 соат)**

**Режа:**

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитиш жараёнида инновация.
2. Янги педагогик технологияларни қўллаш қоидалари.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитиш жараёнида инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Фанни етказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
4. Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз . Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008.
7. Абдуллаев Ю., 1999. Хорижий олий таълим: тажриба ва тараққиёт йўналишлари, 7 б
8. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш. – Т.: Мехнат, 1997.
9. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Мева-сабзавотларни сақлаш ва дастлабки ишлов бериш. – Т.: Мехнат, 2002.
10. Бўриев Х.Ч., Ризаев Р. Мева-узум маҳсулотларини биокимёси ва технологияси. – Т.: Мехнат, 1996.
11. Мирхаликов Т.Т., Айходжаева Н.К., Саидхўжаева М., Абдикаюмов З.А. Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш. – Т.: Мехнат, 2004.
12. Момот А.И. ва бошқалар, 1999. «Эволюция системы координации научной деятельности по проблемам высшего образования».
13. Расулов А. Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлаш. – Т.: Мехнат, 1995.
14. Турсунхўжаев Т.Л. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. - Т., 2006.
15. Хаитов Р.А. ва бошқалар. Дон ва дон маҳсулотларини сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
16. Шаумаров Х.Б. Исламов С.Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. Тошкент, 2011.
17. Чучкалова Е.И.. Инновационные стратегии и технологии реформирования систем управления образованием./Монография. Пенза, 2010. с



## МАЪРУЗА

### **Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг назарий ва амалий асослари**

#### **Режа:**

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг назарий асослари.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг амалий асослари.

### **1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг назарий асослари.**

Маълумки, малакали мутахассисларни тайёрлаш, бунинг учун таълим сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардир. Бу вазифаларни амалга оширишда таълимга инновацияларни киритиш ва таълим-тарбияни инновациялар асосида бошқариш муҳим ўрин тутди.

Замонавий таълим тизимини тўғри бошқариш икки мақсадга, хусусан, ўқув-тарбия ва ўқув-ишлаб чиқариш жараёнига таянади. Ҳар иккала функция бирлашиб, жамоанинг ички бошқарувини ташкил этади. Биринчи вазифа – ишлаб чиқариш функцияси бўлиб, талабаларга таълим-тарбия бериш, юқори касб маҳоратларига эга бўлишларини таъминлаш, уларни ҳаётга тайёрлашдан иборат. Иккинчи ижтимоий вазифа – профессор-ўқитувчиларни манфаатларини аниқлаш бўлиб, уларнинг моддий ва маънавий талабларини қондириш, самарали фаолият юритишлари учун зарур микроклим, яхши кайфият ҳосил қилувчи қулай шароитлар яратиш керак. Бундан ташқари, бошқарувнинг яна бир функцияси ҳам мавжуд бўлиб, бу таълим муассасаси педагогик жамоа аъзоларининг самарали ишлашлари учун ижтимоий-психологик ҳолат ва хусусиятларни таркиб топтиришдир<sup>1</sup>.

Хусусан, юртбошимиз И.Каримов ҳам таъкидлаганларидек, “...Узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб, бу мақсадга эришиш асло мумкин эмас эди. Агарки, Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизи 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади”<sup>2</sup>

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз халқ хўжалигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва ушбу соҳа учун етиштирилаётган кадрларга катта илмий ва малакавий талаблар қўйилади. Демак, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш

<sup>1</sup> Рустамова Д.Д. Бошқарув жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари. //Таълим муаммолари. 3/2012. 26 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Билимли ва ақл-заковатли етук авлодни тайёрлаш – мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашни муҳим шарт. 16 февраль, 2012 йил. Халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзланган нутқ.

технологияси фани ўқитувчиси амалий ва назарий машғулотларни инновациялар асосида ўтказиш тамойилларини чуқур билиши тақозо этилади.

Ўқитишда инновация дейилганда машғулотларни замонавий кўринишда ўтиш тушунилади. Замонавий педагогик технологиялар мазкур инновациянинг муҳим негизи ҳисобланади.

Қуйида бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан самарали деб тан олинаётган замонавий педагогик технологиялар тўғрисида қисқача таъриф бериб ўтамиз. Уларнинг барчаси Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда муҳим аҳамиятга эгадир

**Муаммоли ўқитиш** – ўқитувчининг раҳбарлиги остида муаммоли вазият ва унинг руҳсати билан тингловчиларнинг фаол мустақил фаолияти кўзда тутилади, бунинг натижасида эса профессионал билим, кўникма, уқувни ижодий эгаллаш ва фикрлаш қобилиятининг ривожланиши юзага келади<sup>3</sup>.

**Модулли ўқитиш** – муайян таълим йўналиши блоки бўйича ўқитиш бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборотнинг тугалланган блоки;
- тингловчи фаолиятининг мақсадли дастури;
- унинг муваффақиятли амалга оширилиши бўйича ўқитувчининг тавсияси (маслаҳати).

**Истиқболли-илгарилатиш таълим технологияси** – “Тишли ғилдирак” принципи: Ёнингдагини айлантриш учун аввал ўзинг айланишинг керак<sup>4</sup>. Мазкур таълим технологиясининг концептуал қонун қоидалари қуйидагилардан иборат

- биргаликда ишлаш;
- муваффақият;
- ҳар томонлама қулайлик, хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам, бажара олмаётган тингловчи тушкунликка тушмайди, жавоб беришдан уялмайди, хато қилиб қўйишдан қўрқмайди;
- хатолар устида ишланмайди, балки уларнинг олди олинади;
- ўқув материалининг изчиллиги;
- табақаланиш, тингловчининг қобилиятига кўра топшириқлар;
- тўла мустақилликка босқичма-босқич ўтиш
- иқтидорлилар кўмагида бошқаларни фаоллаштириш (тишли ғилдираклар)

**Мустақил таълим – индивидуал ўқитиш** – ўқув жараёнини ташкил этишининг ўзига хос шакли бўлиб, у қуйидагиларни кўзда туттади:

- ўқитувчи ҳар бир тингловчи билан алоҳида-алоҳида муносабатда бўлади;
- ҳар бир тингловчи топшириқдан сўнг ўқитиш воситалари (адабиётлар, компьютер ва х.к) билан ўзаро муносабатда бўлади.

<sup>3</sup> Абдикаюмов З.А. Замонавий таълим технологиялари. Т.: Янги аср, 2003. 27-бет.

<sup>4</sup> Абдикаюмов З.А. Замонавий таълим технологиялари. Т.: Янги аср, 2003. 40-41 бетлар.

*Назария ва амалиётнинг узвийлиги ва изчиллиги* – ўқитилган ҳар бир назария асосида тингловчининг амалий иш бажариши. Бу айниқса Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда муҳимдир. Бу бир томондан фан ўқитувчисига муҳим билим ва кўникмага эга бўлишни талаб этса, иккинчи томондан таълим муассасасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш фани бўйича мавзуларни амалда бажара олиш мумкин бўлган замонавий жиҳозланган лабораториялар билан таъминлаш вазифасини юклайди.

## **2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишнинг амалий асослари.**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда инновациядан фойдаланишнинг амалий асослари шундан иборатки, ўқитувчи муайян технологияни қўллашдан олдин унинг яратилиш тарихи, унинг ёрдамида ечиш мумкин бўлган муаммоларни, кутилаётган натижаларни билмоғи лозим. Чунки Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани ишлаб чиқариш билан боғлиқ фан бўлиб, уни ўқитишда ҳар қандай педагогик технологияни ҳам қўллашнинг имкони бўлавермайди.

Янги технология Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани ўқитувчисининг ишлаш услуби билан чекланиб қолмасликни кўзда тутуди. Чунки ўқув жараёнида, ҳар қандай фандаги сингари, иккита субъект мавжуд: ўқитувчи ва таълим олувчи. Янги технологиялардан ташқари, ўқитувчи амалда таълим олувчиларни қайси усулда (кичик гуруҳларда ишлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, компьютер ва слайдлардан фойдаланиш ва бошқалар) ўқитиш мақсадга мувофиқлигини тўғри танлай билиши керак.

**Ўқитувчи амалиётда нималарни қўллай олиши лозим?** Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда фақатгина янги технологиялар тўғрисида умумий билим эмас, балки уни профессионал қўллаш олиш ҳам муҳимдир, яъни педагогик технология Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанининг муайян мавзуларини содда, раво ва тушунарли ёрита олиши лозим.

Бунда ўқитувчи эркинликни ҳис қилади ва у ўз билимига битта дарсда эмас, балки бутун ўқув курси мобайнида муваффақият билан таяна олади.

Агар Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани ўқитувчисининг ўзи қўлланилаётган янгилик натижаларини баҳолай олмаса, ўз фаолиятини таҳлил қила олмаса ва мавҳумликларнинг сабабини аниқлай олмаса, у ҳолда янги технологияни қўллаб бўлмайди ва уни қўллаш ҳеч қандай маънога эга эмас.

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда дарс жараёнини лойиҳалай олиш ва уни тўла таҳлил қила олиш кўникмасининг бўлиши педагогни**

*субъектга айлантиради. Усиз эса ўқитувчи ўзгалар тажрибасидан нусха кўчиришгагина қодир бўлиб қолади, холос!*

### **Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:**

1. Модулли ўқитиш деганда нимани тушунасиз?
2. Муаммоли ўқитиш деганда нимани тушунасиз?
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда янги технологиялар қандай аҳамиятга эга?
4. Маъруза ва амалиёт узвийлиги деганда нимани тушунасиз?
5. Ўқитувчининг фаолияти қачон самарасиз яқунланади?
6. Дарс монолог эмас диалогдир, деган иборани қандай тушунасиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Билимли ва ақл-заковатли етук авлодни тайёрлаш – мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашни муҳим шарти. 16 февраль, 2012 йил. Халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзланган нутқ.
2. Абдикаюмов З.А. Замонавий таълим технологиялари. Т.: Янги аср, 2003.
3. Рустамова Д.Д. Бошқарув жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари. //Таълим муаммолари. 3/2012. 26 б
4. Шаумаров Х.Б. Исламов С.Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. Тошкент, 2011.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишга инновацияларни татбиқ этиш**

**Режа:**

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитиш жараёнида инновация.
2. Янги педагогик технологияларни қўллаш қоидалари.

### **1.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитиш жараёнида инновация.**

Инновация – янгилик, янгиликни киритиш, татбиқ этиш демакдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитиш жараёнида инновация – бу ушбу фанни янги технологиялар асосида ўқитиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани халқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этувчи фан бўлиб, мамлакат бўйича етиштирилаётган улкан ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг бутун бир жараёни тўғрисида

билим беришни кўзда тутлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш – узлуксиз кечувчи мураккаб тизим ва у соҳа мутахассисларидан мунтазам кузатув, чуқур билим ва кўникма талаб этади. Зеро қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш жараёнида йўл қўйиладиган биргина кичик хато улкан иқтисодий зарарга олиб келиши мумкин. Масалан, доннинг намлигини аниқлашда йўл қўйилган 1% ли хатолик (давлат стандарти бўйича дон 14% намликда бўлиши лозим) эвазига бутун дон партияси ўз-ўзидан қизиқ кетиши ва истеъмол учун яроқсиз ҳолатга келиши мумкин. Шундай экан, фан ўқитувчиси ушбу соҳа учун мутахассисларни тайёрлашда дарснинг энг самарали усулларини қўллашга мажбур ва бу унинг бурчи ҳисобланади.

Машғулотларни самарали ўтишнинг ҳал қилувчи йўналишларидан бири – унга инновацияни татбиқ этишдир. Хўш, Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда қандай инновациялардан фойдаланиш мумкин. Қуйида уларнинг самарали шакллари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Дарс монолог эмас, диалогдир<sup>5</sup> концепцияси.** Бунинг туб моҳияти шундан иборатки, анъанавий маъруза машғулотлари фақатгина ўқитувчининг тинимсиз нутқ сўзлаши, тингловчиларнинг эса узлуксиз ёзиб бориши билан чекланади ҳолос. Бунда тингловчиларда маърузадан зерокиш, бешиш, унинг материалларини ўзлаштириб олишга улгурмаслик, материални тушунмаган ҳолда, кўр-кўрона кўчириб олиш ҳолатлари кузатилади.

Замонавий технология асосида маъруза ўтказишда эса, ўқитувчи барчани фаоллаштиради, уларни бахслашишга, фикрлашга ундайди, муаммоли вазиятларни юзага келтиради, фаол талабалар воситасида тингловчиларнинг барча қатламларини ҳаракатга келтиради ва ҳоказо. Бунда тингловчиларда мустақил фикрлаш, фикрини баён этиш хусусиятлари шаклланади, мунозара жараёнида эса ўзи тушунмаган саволларни ўзлаштириб олади, натижада материалнинг барча томонидан муваффақиятли ўзлаштирилишига эришилади.

**Дидактик таъминот.** Ҳозирги замонавий ўқитиш тизимини дидактик материалларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Дидактик таъминот нафақат Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини, балки исталган фанни ўқитишда унинг ўзлаштирилш самарадорлигини оширади. Негаки, тингловчи ўрганаётган материални кўргазмали восита сифатида ҳам қабул қилади, яъни материалнинг қабул қилиниши уч, бир-бирига узвий боғланган йўналишда амалга ошади, яъни:

- тингловчи ўзлаштирилаётган материални эшитади ( назарий билим);
- уни дидактик материал воситасида кўз билан кўради (малака);
- амалий-лаборатория машғулотларида улар билан амалий иш бажаради ( амалий кўникма).

---

<sup>5</sup> Бўриев Х., Абдикаюмов З.А., Исламов С.Я. Селекция, уруғчилик ва уруғшунослик фанини ўқитиш методикаси. Тошкент, 2010.


*Амалий-лаборатория машғулотлари узвийлиги.* Тингловчи олган билимларини амалда қўллаб кўрмас экан, унда кўникма шаклланмайди, бу эса муайян вақтдан сўнг билимларнинг унутлишига олиб келади. Шу боис ҳар бир олинган назарий билим амалий-лаборатория машғулотларида мустаҳкамланиши зарур.

## **2. Янги педагогик технологияларни қўллаш қодалари.**

Модомики, янги педагогик технологияларни қўллаш бугунги таълим тизимининг долзарб вазифаларидан бири экан, Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда уни қандай татбиқ этиш мумкин? Ушбу фанни ўқитишда ҳар қандай мавзу бўйича юқорида таъкидланган инновациялардан самарали фойдаланиш мумкин. Масалан машғулотни “Дарс монолог эмас, диалогдир” концепцияси асосида ўтказишда муаммоли вазиятларни юзага келтириш, ақлий ҳужум воситасида талабаларни фикрлашга ундаш, блиц сўров усулида тушунча ва атамалар тўғрисида тингловчиларнинг тасаввурларини ривожлантириб олиш мумкин.


Буни келинг, “Дон партияси микрофлораси” мавзуси бўйича қўллаб кўрамиз. Ўқитувчи тингловчиларга қарата қуйидаги саволлар билан муружаат қилади: Донда қайси микроорганизмнинг фаолияти энг хавфли? Доннинг ўз-ўзидан қизиши нималарга боғлиқ, микроорганизмлар фаолиятигами ёки доннинг намлигигами? Шу каби ақлий ҳужум саволлари билан муражжат қилиб талабаларни баҳсга чорлаш мумкин. Ёки “анаэроб муҳитдаги дон ўз-ўзидан қизий бошлади, бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз” каби савол билан муаммоли вазиятни юзага келтириш мумкин.

Фанни ўқитишда замонавий педагогик технологияларга асосланган дидактик материаллар алоҳида аҳамиятга эгадир. Уни ҳар қандай мавзунини тингловчиларга етказишда муваффақият билан қўллаш мумкин. Масалан, “Дон турлари ва унинг кимёвий таркиби” мавзусини тушунтиришда қуйидаги каби органайзердан фойдаланиш мумкин (1-расм):



**1-расм. Доннинг кимёвий таркиби (кластер органайзери)**

“Полиз маҳсулотларини сақлаш” мавзусини тушунтиришда эса куйидаги каби Венна диаграммасидан фойдаланиш мумкин (2-расм):



**2-расм. Полиз маҳсулотларини сақлаш технологиясини Венна диаграммасида ёритиш**

Кўриниб турибдики, Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанининг исталган мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялардан муваффақият билан фойдаланиш мумкин.

#### **Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:**

1. Инновация нима?
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда инновациялардан қандай фойдаланиш мумкин?
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фанини ўқитишда дидактик материаллардан қандай фойдаланиш мумкин?
4. Таълим самарадорлиги нималарга боғлиқ?
- 5.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдикаюмов З.А. Замонавий таълим технологиялари. Т.: Янги аср, 2003.
2. Бўриев Х., Абдикаюмов З.А., Исламов С.Я. Селекция, уруғчилик ва уруғшунослик фанини ўқитиш методикаси. Тошкент, 2010.
3. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. М.: Народное образование, 1998.
4. Шаумаров Х.Б. Исламов С.Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. Тошкент, 2011.



## ТЕСТ

1. Модулли ўқитиш нима?
  - a) Иқтидорли талабаларни ўқитиш
  - b) Тингловчиларни кузата олиш, улар билан индивидуал шуғулланиш, уларда фикрлаш қобилиятини ошириш
  - c) машғулотни монолог эмас, диалог кўринишида ўтказиш
  - d) муайян таълим йўналиши блоки бўйича ўқитиш
2. Таълимда дидактиканинг аҳамияти нималардан иборат?
  - e) Машғулотни осон бошқариш мумкин
  - f) Тингловчиларни кузата олиш, улар билан индивидуал шуғулланиш, уларда фикрлаш қобилиятини ошириш мумкин
  - g) машғулотни монолог эмас, диалог кўринишида ўтказиш имконини беради
  - h) a, b, c
3. Инновация нима
  - a) Янгилик, янгилик киритиш, татбиқ этиш
  - b) Технология, жараён
  - c) машғулотни монолог эмас, диалог кўринишида ўтказиш
  - d) тўғри жавоб йўқ
4. “Тишли ғилдирак” принципнинг энг муҳим бўғини, бу
  - e) Биргаликда ишлаш
  - f) Технология
  - g) Мустақил таълим
  - h) Маъруза
5. Дидактик таъминот фақатгина Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани учун аҳамиятлими?
  - a) Дидактик таъминот фақатгина Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани учун аҳамиятли
  - b) Барча фанлар учун аҳамиятли
  - c) Бошқа фанлар учун аҳамиятсиз
  - d) Тўғри жавоб йўқ
6. Инновация қайси машғулот тури учун зарур?
  - a) Маъруза учун
  - b) Амалий машғулотлар учун
  - c) Лаборатория машғулотлари учун
  - d) a, b, c
7. Дидактик таъминот таълим самарадорлигини қандай оширади?
  - a) тингловчи ўзлаштирилаётган материални эшитади
  - b) дидактик материал воситасида кўз билан кўради
  - c) амалий-лаборатория машғулотларида улар билан амалий иш бажаради
  - d) a, b, c
8. Тингловчининг эслаб қолиш қобилияти қандай машғулотда ортади?
  - a) Маърузада
  - b) Мустақил таълимда”

- c) Кўп китоб ўқиганда
  - d) Инновацияга асосланган машғулотларда
9. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани учун қайси дидактик материал аҳамиятли
- a) Фақат слайдлар
  - b) ҳар қандай
  - c) Фақат видеороликлар
  - d) Реал материаллар
10. Дарсда кўргазмали воситанинг қайси биридан фойдаланиш афзал?
- a) Мавзуни чуқур ёритувчи, содда ва ёзиб олишга қулай материал
  - b) жадвал
  - c) диаграмма
  - d) фотолавха
11. Мустақил таълим, бу
- a) ҳар бир тингловчининг топшириқдан сўнг ўқитиш воситалари билан ўзаро муносабатда бўлиши
  - b) Маъруза мавзуларини ўзлаштириш
  - c) Лаборатория машғулотларини мустақил бажариш
  - d) Тўғри жавоб йўқ
12. Инновациясиз ҳам дарсни самарали ўтиш мумкинми?
- a) камдан кам ҳолларда, назарий мавзуларни ёритишда
  - b) Мумкин эмас
  - c) Мумкин
  - d) Дарс самарадорлиги инновацияга боғлиқ эмас
13. Машғулотнинг ўзлаштирилиши нималарга боғлиқ?
- a) Ўқитувчининг педагогик маҳоратига
  - b) Инновацияга
  - c) Тингловчининг қобилиятига
  - d) a, b, c
14. Машғулот қачон самарасиз яқунланади?
- a) Инновациясиз ўтилганда
  - b) Ўқитувчининг маҳорати паст бўлганда
  - c) Гуруҳ катта ва индивидуал ишлаш имкони бўлмаганда
  - d) a, b, c
15. Дидактик таъминот нима?
- a) Машғулотда тарқатма материал тарқатилиши
  - b) Слайд намойиш этилиши
  - c) Экспонатлар, макетлар, видеолавхалар намойиши
  - d) a, b, c
16. Инновацион таълимнинг муҳим бўғинлари
- a) педтехнология, машғулотлар узвийлиги, амалий ва мустақил ишлаш
  - b) Маъруза, амалиёт
  - c) Педагогик органайзерлардан фойдаланиш
  - d) Тўғри жавоб йўқ
17. Муаммоли вазият, бу

- a) Тингловчининг саволга жавоб топа олмаслиги
  - b) Тингловчиларнинг ўзаро баҳси
  - c) Тингловчиларда турли қарашларни юзага келтирвчи саволнинг ўртага ташланиши
  - d) Тўғри жавоб йўқ
18. Инновациядан қайси машғулот турида кўпроқ фойдаланиш зарур деб ўйлайсиз?
- a) Маърузада
  - b) Амалий машғулотларда
  - c) Лаборатория машғулотларида
  - d) a, b, c
19. Дидактик материаллар дарс жараёнига қандай таъсир кўрсатади?
- a) Таъсир этмайди
  - b) Тингловчиларни чалғитади
  - c) Иқтидорли талабаларни танлаш имконини беради
  - d) дарс машғулотининг ўзлаштирилиш самарадорлигини оширади
20. Ўқитувчининг педагогик маҳорати юқори бўлганда замонавий педагогик технологияларга эҳтиёж сезиладими?
- a) Технология шарт эмас
  - b) Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар дарс самарадорлигини оширувчи бир-бири билан узвий боғлиқ омиллардир
  - c) педагогик маҳорати юқори бўлганда технологиясиз ҳам дарсни самарали ўтиш мумкин
  - d) тўғри жавоб йўқ